

Жаҳонгир қори Неъматов қироат бўйича Ал-Азҳар шайхидан ижоза олди



15:17 / 05.12.2024 1320

Тошкент ислом институти «Қуръон илмлари» кафедраси мудирини Жаҳонгир қори Неъматов Имом Қолуннинг Имом Нофеъдан қилган ривояти Шотибий йўли орқали Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга боғланган санади билан ижоза олди.

Жаҳонгир қори Қуръони Каримни юқоридаги тариқанинг 4 важҳида қироат қилиб, шайх Иброҳим Муҳаммад ҳузурида хатм қилди.

Шу муносабати билан ТИИ «Қуръон илмлари» кафедраси устози, 10 та қироат бўйича ижоза соҳиби, Ал-Азҳар шайхи Иброҳим Муҳаммад Жаҳонгир қори Неъматовга ижоза шаҳодатномасини топширди.